

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ МИНТАҚАСИДА МАНЗАРАЛИ ВА МЕВАЛИ БОҒЛАРДА DIASPIDIDAE ОИЛАСИ БИЭКОЛОГИЯСИ, ТОКСОНОМИЯСИ ҲАМДА ТАРҚАЛИШ КООРДИНАТЛАРИ

Жўрабек Нодиржонович Яхёев

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти, кичик илмий ходим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институти мустақил тадқиқотчиси
dr.jurabek.net@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий минтақасида манзарали ва мевали боғларда Diaspididae оиласининг вакилларини аниқлаш мақсадида манзарали ҳамда олма, ўрик, бехи, шафтоли ва нок боғларида ўтказилган кузатувлар натижасида Insecta синфига мансуб Hemiptera туркуми Diaspididae оилага мансуб 18 та авлод ва 30 тур зааркунандалар қайд этилди.

Мевали ва манзарали ўсимликларида учровчи диаспидларнинг фаунаси таксономик таркибига кўра фаунадаги Diaspididae оиласида авлодлар сони 18 та (*Diaspidiotus*, *Diaspis*, *Dynaspis*, *Dynaspidiotus*, *Unaspis*, *Shansiaspis*, *Salicicola*, *Parlatoria*, *Lepidosaphes*, *Leucaspis*, *Aulacaspis*, *Aonidia*, *Chionaspis*, *Chlidaspis*, *Prodiaspis*, *Mercetaspis*, *Carulaspis*, *Rhizaspidiotus* ва *Pseudaulacaspis*)ни, турлар сони эса 30 тани ташкил этилди ва 2 та авлод *Diaspidiotus* ва *Lepidosaphes* доминант сифатида қайд этилди. *Diaspidiotus* авлод вакиллари орасида эса 8 та тур қайд этилди ҳамда 3 та тур доминант ва 1 та тур карантин ҳашарот сифатида қайд этилди. Diaspididae оиласининг вакилларининг тур таркиби ва ГАТ харитасини тузиш мақсадида Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий минтақасида манзарали ва мевали боғларда зааркунанда ҳашаротларнинг 27 та координатлари белгилади ва ГАТ харитаси тузилди.

Калит сўзлар (Keywords): Манзарали ва мевали боғ, ГАТ, популяция, биоэкология, ареал, координатлар.

BIECOLOGY, TOXONOMY AND DISTRIBUTION COORDINATES OF THE DIASPIDIDAE FAMILY IN LANDSCAPED AND FRUIT GARDENS IN THE NORTHEAST REGION OF UZBEKISTAN

ABSTRACT

Insecta and Hemiptera family Diaspididae, 18 species and 30 species of insects belonging to the family Diaspididae, were identified in ornamental and orchard and apple, apricot, quince, peach and pear orchards in the north-eastern region of Uzbekistan.

According to the taxonomic composition of the fauna of diaspids found in fruit and ornamental plants, the number of generations in the family Diaspididae in the fauna is 18 (*Diaspidiotus*, *Diaspis*, *Dynaspidiotus*, *Unaspis*, *Shansiaspis*, *Salicicola*, *Parlatoria*, *Lepidosaphes*, *Leucaspis*, *Aulacaspis*, *Aonidia*, *Chionaspis*, *Chlidaspis*, *Prodiaspis*, *Mercetaspis*, *Carulaspis*, *Rhizaspidiotus* and *Pseudaulacaspis*), the number of species was 30, and 2 generations *Diaspidiotus* and *Lepidosaphes* were recorded as dominant. Among the members of the *Diaspidiotus* genus, 8 species were recorded and 3 species were recorded as dominant and 1 species as quarantine insects. In order to compile the species composition and GIS map of the Diaspididae family, 27 coordinates of pests in ornamental and orchards in the north-eastern region of Uzbekistan were determined and a GIS map was created.

Keywords: Ornamental and orchard, GIS, population, bioecology, habitat, coordinates.

КИРИШ

Жаҳонда бугунги кунда диаспидологик тадқиқотлар, турли минтақаларнинг фаунистик таркибини замонавий усуллар билан аниқлаш, диаспидлар эволюцияси асосида уларнинг келиб чиқишига доир тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Диаспидларнинг турли минтақалар бўйича фаунистик таркиби, биологияси, экологияси, экологик худудлар диаспидофаунасининг таксономик таркиби, трофик алоқалари ва филогенезига бағишиланган ишлар ривожлантирилди. Таъкидлаш лозимки, мевали ва манзарали ўсимликларда тарқалган диаспидлар фаунасини аниқлаш, уларнинг морфо-экологик хусусиятлари, баъзи кенг тарқалган турларнинг биологик хусусиятлари, озуқа ўсимлигига яшашга мосланишлари каби масалаларни таҳлил қилиш ва уларга қарши уйғунлашган кураш усулларини қўллаш борасида тадқиқот ишлари олиб

борошни тақозо этмоқда. Бу борада, жумладан, диаспидларнинг турлар хилма-хиллигини аниқлаш, дараҳт ва буталарга зааркунанда ҳашаротларнинг таъсирини баҳолаш, энг жиддий турлар тарқалиши, биологияси ва экологик хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш мухим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Кокцидларнинг дунё фаунасида 4000 дан ортиқ, МДҲ мамлакатларида 500 дан ортиқ, Ўзбекистонда эса 120 дан ортиқ турлари қайд қилинган. Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда 120 та кокцидлар тури аниқланган (7 та кенжা оиласдан). Шулардан 70 тури мевали, манзарали, дала ва оренжерия ўсимликлари учун заарлидир ва 50 га яқин тури ёввойи холда ўсуви ўсимликларда учрайди.

Юқоридагиларни инобатга олган холда, манзарали ва мевали боғларда хозирги кунда заар келтираётган *Diaspididae* оиласи турлари ва уларнинг таксономиясини ҳамда оммавий зааркунанда турларнинг энтомофагларини аниқлаш, кейинги босқичда республика худудидаги тарқалиш - ГАТ харитасини тузиш ва уларга қарши янги авлод инсектицид препаратларини қўллаш орқали қарши кураш ишларини ташкиллаштириш мухим аҳамият касб этади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Тадқиқотлар Тошкент вилояти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Зоология институти, Энтомофаглар экологияси ва биоусулларнинг назарий асослари лабораторияси, Тошкент давлат аграр университети Ўсимликлар карантини ва ҳимояси кафедрасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтида амалга оширилди.

Жами аниқланган турларнинг хилма-хил ривожланиш босқичларидан *Diaspididae* оиласда 18 та авлодга мансуб диаспидлар намуналари йифилди. Ушбу ҳашарот намуналари авлод кесимида қуйидагича *Diaspidiotus* 8 та, *Diaspis* 1 та, *Dynaspidiotus* 1 та, *Unaspis* 1 та, *Shansiaspis* 1 та, *Salicicola* 1 та, *Parlatoria* 2 та, *Lepidosaphes* 4 та, *Leucaspis* 1 та, *Aulacaspis* 1 та, *Aonidia* 1та, *Chionaspis* 2 та, *Chlidaspis* 1 та, *Prodiaspis* 1 та, *Mercetaspis* 1 та, *Carulaspis* 1 та, *Rhizaspidiotus* 1 та ва *Pseudaulacaspis* 1 та намуналар йифилди.

Диаспидлар билан заарланган ўсимликлардан намуналарни қирқиб олиниб, уларга ёрлиқ ёпиштириб, лаборатория шароитида ўрганилди. Дала шароитида олиб

борилган кузатув ишлари давомида олинган намуналар рақамланиб, дафтарга қайд этиб борилди. Турли экологик ҳудудлардан намуна олишда ҳудуднинг тўрт томонидан хар 10 туп назорат ўсимликлар танланиб, улардан 10 тадан намуналар олиб борилди. Назоратдаги дараҳтлар шартли равишда учта ярусга бўлиниб, диаспидларни яруслар бўйлаб жойланиши белгилаб борилди. Назорат тупларнинг сони, популяцияларининг ёши ва таркибига эътибор қаратилди. Намуналар олинган шохларнинг узунлиги 10 см ни ташкил этди. Намуналарнинг бир қисмини (қобиги, новдаси, барглари, меваси) кесиб олиниб, остига момиқ паҳта тўшалган маҳсус қути ичига жойлаштирилди, бир қисми эса 70% ли спиртга солиниб, фиксацияланган ҳолда лабораторияда тур таркиби ўрганилди.

Диаспидларнинг биологик ва экологик хусусиятларига оид доимий дала кузатишлари Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида, амалий лаборатория кузатишлари эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Зоология институти, Энтомофаглар экологияси ва биоусулларнинг назарий асослари лабораторияси, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти ҳамда Тошкент давлат аграр университети Ўсимликлар карантини ва ҳимояси кафедрасида олиб борилди, олинган натижалар қиёсий таҳлил этилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Тошкент вилояти мевали ва манзарали дараҳтларида учровчи диаспидларнинг фаунаси, таксономик таҳлили ўрганилди ҳамда *Diaspidiotus* авлоди таксономик таҳлил қилинди (1-жадвал).

1-жадвал


Тошкент вилояти мевали ва манзарали ўсимликларида учровчи диаспидларнинг таксономик рўйхати (2020-2021 й.)

№	Туркум	Hemiptera
	Оила	Diaspididae
	Лотинча номи	Ўзбекча номи
	Авлод	<i>Diaspidiotus</i>
1	<i>Diaspidiotus perniciosus</i> (Comstock, 1881)	Калифорния қалқондори
2	<i>Diaspidiotus elaeagni</i> (Borchsenius, 1939)	Жийда юмалоқ қалқондори

3	<i>Diaspidiotus salicis</i> (Lupo, 1953)	Терак қалқондори
4	<i>Diaspidiotus transcaspiensis</i> (Marlatt, 1908)	Касбий орти қалқондори
5	<i>Diaspidiotus slavonicus</i> (Green, 1934)	Терак қабариқ қалқондори
6	<i>Diaspidiotus prunorum</i> (Laing, 1931)	Турон қалқондори
7	<i>Diaspidiotus turanicus</i> (Borchsenius, 1935)	Турон тол қалқондори
8	<i>Diaspidiotus leguminosum</i> (Archangelskaya, 1937)	Дукаклилар қалқондори


Жадвалдан кўриниб турганидек, Тошкент вилоятининг мевали ва манзарали ўсимликларида учровчи диаспидларнинг фаунаси таксономик таркибига кўра фаунадаги *Diaspidiotus* авлоди 8 та турни ташкил этди.

Мевали дараҳтларнинг калифорния қалқондори (*Diaspidiotus perniciosus* Comst.) билан заарланиши нок ва олмани 12,8%, олхўри ва ўрикни 10,1%, олча ва беҳини 10,9%, шафтолини 9,7%, гилосни эса энг кам даражада 8,6 % зарарлагани ўрганилди (1-расм).



1-расм. Мевали дараҳтларнинг калифорния қалқондори билан заарланиши (Тошкент вилояти, 2018-2020 йй.).

Diaspididae оиласининг вакилларининг тур таркиби ва ГАТ харитасини тузиш мақсадида Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий минтақасида манзарали ва мевали боғларда зааркунанда ҳашаротларнинг 27 та координатлари белгилади ва ГАТ харитаси тузилди (2-расм).



2- расм. Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий миңтақасида Diaspididae оиласининг вакилларининг тарқалиш координатлари.

Синф:Insecta;
Туркум:Hemiptera;
Оила:Diaspididae;
Авлод:Diaspidiotus.
Түр:Diaspidiotus perniciosus



Калифорния қалқондори – *Diaspidiotus perniciosus*(Coms., 1881)

Ургочи зотининг ранги лимон каби сарик, шакли ноксимон, узунлиги 1,3 мм, кўзи, оёғи ва мўйлови йўқ. Қалқони юмалоқ, ўлчами 2 мм, бўртган, ранги қорамтири ёки қўнғир, ўртасида 2 та личинка пўстининг изи бор.

Зарари. Олма, нок, шафтоли, олча, гилос, олхўри каби уруғмевали ва данакмевали дараҳтларнинг умумий қилиб олганда 270 турдаги ўсимликларнинг ашаддий заараркунандаси. Личинкалари ва вояга етганлари дараҳтларнинг шоҳ ва буталарининг тана ширасини сўриб катта зарар етказади, жуда кўпайиб кетганда дараҳт пўстлоғини ёриб юборади, меваларининг сифати бузилади, яни меваларда қизил бинафша доғлар тушиб кетади ва ҳатто бутун дараҳтларни куритиб қўяди. *Diaspidiotus perniciosus* Тошкент вилояти

Қибрай туманида ($41^{\circ}25'13''N$ $69^{\circ}25'56''E$), ($41^{\circ}23'50''N$ $69^{\circ}28'51''E$), ($41^{\circ}23'36''N$ $69^{\circ}27'10''E$), ($41^{\circ}23'36.9''N$ $69^{\circ}27'13.9''E$); Пскент туманида ($41^{\circ}00'42''N$ $69^{\circ}20'50''E$) координатларида қайд этилди

Синф:Insecta;
Туркм:Hemiptera;
Оила:Diaspididae;
Авлод:Diaspidiotus.
Түр: *Diaspidiotus prunorum*



Турун қалқондори – *Diaspidiotus prunorum* (Laing, 1931)

Юмалоқ қалқони бор, бу ҳашаротнинг ранги қўнғир, ялтироқ бўлиб, тарқоқ нуқталари бўлади, диаметри 2,5-4,0 мм қелади. Қалқондорнинг эркаклари қанотли, жигар рангли бўлиб, думида иккита оқ туки бор. Ёш личинкалари пушти ранг бўлиб, думида оқ туклари бор.

Зарари. Анжир, писта, цитрус ўсимлик мевалари, зайтун, жийда, узумларни заарлаб, уларнинг товар қимматини жуда ҳам пасайтириб юборади. Бу ҳашарот тушган дарахт ва буталар яхши ўсмайди, новда ва шохлари нобуд бўлади, баъзан дарахт ва буталар (айниқса ёшлигида) тамомила қуриб қолишиҳам мумкин *Diaspidiotus prunorum* Тошкент вилояти Қибрай туманида ($41^{\circ}25'13''N$ $69^{\circ}25'56''E$), ($41^{\circ}23'36''N$ $69^{\circ}27'10''E$), ($41^{\circ}23'19.8''N$ $69^{\circ}25'05.2''E$), ($41^{\circ}23'36.9''N$ $69^{\circ}27'13.9''E$); Ўртачирчик туманида ($41^{\circ}10'10''N$ $69^{\circ}18'24''E$), ($41^{\circ}12'13.9''N$ $69^{\circ}18'37.1''E$), ($41^{\circ}12'18.7''N$ $69^{\circ}17'49.6''E$), ($41^{\circ}12'22.3''N$ $69^{\circ}17'56.7''E$); Янгийўл туманида ($41^{\circ}11'00.0''N$ $69^{\circ}04'58.8''E$); Юқоричирчик туманида ($41^{\circ}13'24''N$ $69^{\circ}23'39''E$); Охангарон туманида ($40^{\circ}56'04''N$ $69^{\circ}35'13''E$); Тошкент туманида ($41^{\circ}25'37''N$ $69^{\circ}19'28''E$); Пскент туманида ($41^{\circ}00'42''N$ $69^{\circ}20'50''E$) координатларида қайд этилди.

Синф:Insecta;
Туркм:Hemiptera;
Оила:Diaspididae;
Авлод:Diaspidiotus.
Түр: *Diaspidiotus salicis*



Diaspidiotus salicis – Терак қалқондори (Lupo, 1953)

Майда ҳашарот (1-1,3 мм). Унинг урғочиси овалсимон

шаклида, қалқони (2-2,5 мм) оқ ёки кулранг. Эркак зоти майдароқ (1 мм), шакли чўзикроқ, ранги оқиш, ўртасида дофи бор.

Зарари. Кокцидалар дараҳтларнинг ширасини сўриб, заифлаштиради, кўпинча айрим шохларни ва айниқса ёш новдаларни нобуд қилади, баъзан эса дараҳтларни бутунлай куритиб қўяди. Кокцидалар меваларга доғ тушириб, сифатини пасайтиради. *Diaspidiotus salicis* Тошкент вилоятининг барча туманлари: Қибрай туманида ($41^{\circ}25'13''N$ $69^{\circ}25'56''E$), ($41^{\circ}23'50''N$ $69^{\circ}28'51''E$), ($41^{\circ}23'36''N$ $69^{\circ}27'10''E$), ($41^{\circ}23'19.8''N$ $69^{\circ}25'05.2''E$), ($41^{\circ}23'36.9''N$ $69^{\circ}27'13.9''E$); Ўртачирчик туманида ($41^{\circ}10'10''N$ $69^{\circ}18'24''E$), ($41^{\circ}12'13.9''N$ $69^{\circ}18'37.1''E$), ($41^{\circ}12'18.7''N$ $69^{\circ}17'49.6''E$), ($41^{\circ}12'22.3''N$ $69^{\circ}17'56.7''E$); Янгийўл туманида ($41^{\circ}11'00.0''N$ $69^{\circ}04'58.8''E$); Юқоричирчиқ туманида ($41^{\circ}13'24''N$ $69^{\circ}23'39''E$); Охангарон туманида ($40^{\circ}56'04''N$ $69^{\circ}35'13''E$); Тошкент туманида ($41^{\circ}25'37''N$ $69^{\circ}19'28''E$); Пскент туманида ($41^{\circ}00'42''N$ $69^{\circ}20'50''E$) координатларида қайд этилди.

ХУЛОСА

Кузатувлар натижасида Insecta синфиға мансуб Hemiptera туркуми *Diaspididae* оиласа мансуб 18 та авлод ва 30 тур зааркунандалар қайд этилди.

Мевали ва манзарали ўсимликларида учровчи диаспидларнинг фаунаси таксономик таркибига кўра фаунадаги *Diaspididae* оиласида авлодлар сони 18 та (*Diaspidiotus*, *Diaspis*, *Dynaspidiotus*, *Unaspis*, *Shansiaspis*, *Salicicola*, *Parlatoria*, *Lepidosaphes*, *Leucaspis*, *Aulacaspis*, *Aonidia*, *Chionaspis*, *Chlidaspis*, *Prodiaspis*, *Mercetaspis*, *Carulaspis*, *Rhizaspidiotus* ва *Pseudaulacaspis*)ни, турлар сони эса 30 тани ташкил этилди ва 2 та авлод *Diaspidiotus* ва *Lepidosaphes* доминант сифатида қайд этилди. *Diaspidiotus* авлод вакиллари орасида эса 8 та тур қайд этилди ҳамда 3 та тур доминант ва 1 та тур карантин ҳашарот сифатида қайд этилди. *Diaspididae* оиласининг вакилларининг тур таркиби ва ГАТ харитасини тузиш мақсадида Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий минтақасида манзарали ва мевали боғларда зааркунанда ҳашаротларнинг 27 та координатлари белгилади ва ГАТ харитаси тузилди. Мевали дараҳтларнинг калифорния қалқондори (*Diaspidiotus perniciosus* Comst.) билан заарланиши нок ва олмани 12,8%, олхўри ва ўрикни 10,1%, олча ва беҳини 10,9%, шафтolinи 9,7%, гилосни эса энг кам даражада 8,6 % заарлагани ўрганилди

REFERENCES

1. BE.Murodov, JN.Yakhyyoyev QUARANTINE PESTS OF INTERNAL QUARANTINE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN // Education and science in Russia and abroad. – 2017. – P. 32-36.
2. BE.Murodov, OA.Sulaymonov, JN.Yakhyyoyev HARM OF QUARANTINE PESTS OF THE INTERNAL QUARANTINE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN // Archive of Conferences 3. – 2020. – P. 13-18.
3. BE.Murodov, UD.Ortikov, JN.Yakhyyoyev BIOECOLOGY OF CALIFORNIA SHIELD (QUADRASPIDIOTUS PERNICIOSUS COMST) IN UZBEKISTAN // // Archive of Conferences 1. – 2020. – P. 104-107.
4. BE.Murodov, UA.Masharipov, JN.Yakhyyoyev CALIFORNIAN SCALE INSECT-QUADRASPIDIOTU SPERNICIOSUS COMST // Education and science in Russia and abroad. – 2017. – P. 30.
5. KK.Kimsanbayev, BE.Murodov, UD.Ortikov, OA.Sulaymonov, JN.Yakhyyoyev BIOECOLOGY, CRYSTAL PHARMACEUTICAL SUPPORT AND EFFICIENCY OF CALIFORNIA SHIELD // International Journal of Research. – 2019. – P. 142-148.
6. K.Khudarganov, N.Azimov, J.Yakhoev Guidelines On Pest Risk Analysis: Decision-Support Scheme For Quarantine Pests // The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering 3 (12) – 2021. – P. 5-8.
7. MS.Shaymanov, SS.Avazov, JN.Yakhyyoyev REQUIREMENTS FOR THE USE OF FUMIGATION AS A PHYTOSANITARY MEASURE // International Engineering Journal For Research & Development 6 (ICDSIIL). – 2021. – P. 1-3.
8. J.Yakhyyoev, K.Kimsanbayev, B.Murodov, Z.Akmedova Taxonomy and bioecology of Hemiptera Diaspididae in fruit and landscape trees // E3S Web of Conferences 244, - 2021. – P. 02039.
9. J.Yakhyyoev, Z.Akhmedova, O.Sulaymonov DISTRIBUTION COORDINATES OF THE DIASPIDIDAE FAMILY IN SEED GARDENS // International Scientific and Current Research Conferences – 2020. – P. 57-61.
10. JN.Yakhyyoyev, KK.Kimsanbayev, BE.Murodov, BA.Sulaymonov BIOECOLOGY AND PHENOLOGICAL DEVELOPMENT OF THE CALIFORNIAN SHIELD (QUADRASPIDIOTUS PERNICIOSUS COMST.) IN UZBEKISTAN // The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering 2 (08) – 2020. – P. 124-131.
11. JN.Yakhyyoyev, KK.Kimsanbayev BIOECOLOGY AND SPECIES OF DIASPIDIDAE IN FRUIT GARDENS // The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering 2 (11) – 2020. – P. 104-112.
12. JN.Yakhyyoev, KK.Kimsanbayev, BE.Murodov, ZY.Akhmedova LEVEL OF DISTRIBUTION OF HEMIPTERA: DIASPIDIDAE IN THE NORTHEAST REGION OF UZBEKISTAN // European Journal of Agricultural and Rural Education. – 2021. – P. 6-10.

13. JN.Yakhyoev Bioecology Hemiptera:Diaspididae in the north-eastern region of Uzbekistan // Middle European Scientific Bulletin 12. – 2021. – P. 36-39.
14. JN.Yakhyoev HARM AND SPREAD OF THE CALIFORNIAN SHIELD INSECT IN THE NORTH-EASTERN REGION OF UZBEKISTAN // European Journal of Agricultural and Rural Education. – 2021. – P. 63-65.
15. XX.Kimsanbayev, BE.Murodov, UD.Ortikov, JN.Yakhyyoyev Extension and harmfulness of californian shield in apple orchards // JOURNAL OF AGRO PROCESSING. – 2020. – P. 104-112.
16. Кимсанбаев Х.Х., Муродов Б.Э., Ортиков У.Д., Анорбаев А.Р., Яхёев Ж.Н. Применения златоглазки в борьбе с калифорнийской щитовки (*Quadraspidiotus perniciosus* comst.) на яблоне // Актуальные проблемы современной науки. – 2019. – № 4 (107). – С. 176-178.
17. Кимсанбаев Х.Х., Муродов Б.Э., Ортиков У.Д., Сулаймонов О.А., Яхёев Ж.Н. Биологическая эффективность применение препарата хектолинеум 5% к.с против калифорнийской щитовки (*Quadraspidiotus perniciosus* comst.) на яблоне // Актуальные проблемы современной науки. – 2019. – № 4 (107). – С. 179-181.
18. Муродов Б.Э., Машарипов У.А., Яхёев Ж.Н. Калифорнийская щитовка – *Quadraspidiotus perniciosus* Comst // Образование и наука в России и за рубежом. – 2017. – № 1 (30). –С. 21-23.
19. Муродов Б.Э., Яхёев Ж.Н. Карантинный вредители внутреннего карантина Республики Узбекистан // Образование и наука в России и за рубежом. – 2017. – № 3 (32). –С. 32-36.
20. Муродов Б.Э., Сулаймонов О.А., Яхёев Ж.Н. Калифорнийская щитовка на яблоне // Образование и наука в России и за рубежом. – 2017. – № 12 (47). – С. 118-122.
21. Муродов Б.Э., Ортиков У.Д., Яхёев Ж.Н. Биоэкология и развития калифорнийской щитовки (*Quadraspidiotus perniciosus* Comst.) в Узбекистане // ЕВРАЗИЙСКИЙ СОЮЗ УЧЕНЫХ (ЕСУ). – 2020. – 5 (74). – С. 39-40.
22. Ортиков У.Д., Яхёев Ж.Н., Пардаев Х.Х. Опасный кокцид. Калифорнийская щитовка (*Quadraspidiotus perniciosus* Comst) // Образование и наука в России и за рубежом. – 2018. – № 6 (41). – С. 105-107.